



## ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТДА РИСК ТУШУНЧАСИ

**Сагдиев Равшан Сайфуллаевич**

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Ғазначилик хизмати қўмитаси

**Аннотация.** Мақолада инновацион фаолият рискларининг моҳияти кўриб чиқилган ва рискларнинг асосий таснифланиши, уларни гуруҳлаш белгилари аниқланган, “риск” ва “ноаниқлик” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, инновацион риск моҳиятини, инновацион фаолиятда рискларни тизимлаштириш, уларни тизимлаштириш ва гуруҳлаштиришда турли ёндашувлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** риск, ноаниқлик, инновацион риск, инновацион фаолият, инновацион маҳсулот, инновацион цикл, инновацион лойиҳа.

## ПОНЯТИЕ РИСКА В ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**Сагдиев Равшан Сайфуллаевич**

Комитета казначейской службы  
при Министерстве экономики и финансов

**Аннотация.** В статье рассматривается сущность рисков инновационной деятельности и определяются основная классификация рисков, признаки их группировки, взаимозависимость понятий «риск» и «неопределенность», сущность инновационного риска, систематизация рисков в инновационной деятельности, инновационная деятельность и различные подходы к их систематизации и группирование.

**Ключевые слова:** риск, неопределенность, инновационный риск, инновационная деятельность, инновационный продукт, инновационный цикл, инновационный проект.

## THE CONCEPT OF RISK IN INNOVATION ACTIVITY

**Sagdiev Ravshan Sayfullaevich**

Treasury Service Committee Officer  
under the Ministry of Economy and Finance

**Abstract.** The article examines the essence of the risks of innovation and defines the main classification of risks, signs of their grouping, the interdependence of the concepts of “risk” and “uncertainty”, the essence of innovation risk, systematization of risks in innovation, innovation and various approaches to their systematization and grouping.

**Key words:** risk, uncertainty, innovation risk, innovation activity, innovative product, innovation cycle, innovation project.

### Кириш.

Ўзбекистонда бозор моносабатлари ривожланиши билан хўжалик юритувчи корхоналар муваффақиятининг асосий омили янги лойиҳа ёки замонавий маҳсулот ишлаб чиқишга қаратилган инвестицион фаолияти бўлди. Рақобатбардош компаниялар учун инновацион технологияларни жорий этиш жуда муҳим масаладир. Фақат ўзларининг инновацион фаолиятларини ривожлантирадиган ва доимий равишда янгиликни қидириб топадиган компанияларгина жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашлари мумкин бўлади. Шу билан бирга фаолиятнинг, лойиҳаларнинг, инновацияларнинг муваффақияти рискларни қанчалик тўғри баҳоланганлиги ва таҳлил қилинганлигига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида бу борадаги ноаниқлик рискни пайдо бўлишига сабаб бўлади ва унинг оқибатларини кўчайтиради. Шу сабабли уларни тўғри баҳолаш, бошқариш, гуруҳлаштириш улар оқибатларини қамайтиришга хизмат қилади.

### Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий фан ва амалиётда рискларни яхлит назарияси ҳали шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда 50 дан ортиқ турли риск мезонлари ва 250 дан ортиқ турлари келтирилган. Биринчи маротаба, риск тушунчаси тадбиркорликнинг функционал хусусияти сифати XVII-асрда француз иқтисодчиси Cantillon (1952) томонидан илгари сурилган, у тадбиркорни ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қиладиган ва ўз манфаатларини қондирадиган шахс сифатида қараган.

Рискларнинг назарий жиҳатдан категория сифатида намоён бўлиши ва илмий иқтисодий таҳлил объектига айланиши фақатгина XVIII-асрдан бошланган. Жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик рискларининг классик ва неоклассик назарияси алоҳида ўрин тутди.

Классик риск назариясининг асосий жиҳатлари Senog ва Манплар томонидан XIX-асрда шакллантирилган. Ушбу назария тарафдорлари тадбиркор даромадларининг умумий таркибида келажакда эҳтимолий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш мақсадида риск учун ҳақ тўланиши кераклигини таъкидлашган.

Классик назарияда риск маълум ҳаракатларнинг натижаси бўлган харажатларни математик кутилиши билан аниқланади. Аслида рискнинг моҳияти қабул қилинган ёки қабул қилинмаган қарорлар натижасида юзага келадиган йўқотишларга қаратилган. Кейинчалик эса Филлин (2000), Стрельцова (2000), Грачева (2001), Грабовой (1994), Илляшенко (2004) ва бошқалар ишларида рискнинг классик назарияси ривожлана борди ва бунда риск тушунчаси корхона ресурслари ва жалб қилинган ресурсларни йўқотиш, олинмаган фойда ва қўшимча харажатларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли (тахдиди) сифатида изоҳланади.

Рискнинг неоклассик назарияси вакиллари рискнинг моҳиятини кўриб чиқаётганда рискни воқеа натижаси эмас, балки риск хатти-ҳаракатлар натижаси деб аташади. Альгина (2001), Балабанова (1996), Масленчикова (1998), Егорова (2002), Серегин (1994) ва бошқалар риск муқобил ечимларни қабул қилиш мумкин бўлган вазиятда ноаниқликни енгишга қаратилган фаолият, ҳаракат сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек фаолият ва ҳаракат давомида ижобий ёки салбий оқибатларни ўз ичига олган рискли воқеа эҳтимолини баҳолаш мумкин бўлади.

Инновацион рисклар бу ўз навбатида кам ўрганилган риск гуруҳларини ташкил этади ва Василенко, Шматько (2003), Микитюк (2009), Онишко (2008) ва бошқалар асарларида ўз аксини топган.

Шунингдек, Абдурахмонов (2020) инновацион рискларни суғурта орқали ҳам гуруҳлаштириш ва бошқариш мумкинлигини таъкидлайди. Бу ҳам инновацион рискларни гуруҳлаштиришнинг бир тизими сифатида қаралиши мумкин бўлади.

Инновацияларни жорий этиш даврида пайдо бўладиган рискларнинг ҳар хил турлари ва шакллари, улар намоён бўлишининг салбий оқибатлари, шунингдек, уларни мутлоқо йўқ қилишнинг мумкин эмаслиги, сабаб-оқибат муносабатларини ва рискли воқеалар оқибатларини камайтириш йўллари янада таҳлил қилиш зарурлигини белгилаб бериши табиий ҳисобланади.

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий ва тизимли таҳлил, маълум белгиларга кўра таснифлаш, таҳлил ва синтез, назарий ва эмперик адабиётларни танқидий таҳлил қилиш ва ёндашувларни таққослаш, индукция ва дедукция усуллари қўлланилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Риск моҳиятини таҳлил қилишда “ноаниқлик” тушунчасидан бошлаш керак. Риск ва ноаниқлик тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Моҳиятан эса ноаниқликлар рискнинг асосий сабабидир. Бинобарин, йўқотиш рискни келтириб чиқарадиган ноаниқликлар ҳажмини камайтириш инновацион фаолиятда муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион фаолиятда ноаниқликлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборатдир:

- Рақобатчилар ёки ҳамкорлар фаолиятидаги ноаниқликлар;
- бошқариш объекти ва ижтимоий-иқтисодий муҳит ривожланишининг прогноз кўрсаткичларининг ноаниқлиги;
- мақсад ва мезонларнинг ноаниқлиги, шунингдек қарорларни қабул қилиш жараёнида кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарурлиги;
- қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларнинг, айниқса миқдорий маълумотларнинг йўқлиги;
- қарорларни илмий асослаш учун вақт омилининг етишмаслиги.

Жумладан, Васильева (2005) инновацион фаолиятда ноаниқликларни аниқлайдиган омилларни учта гуруҳга бўлади (1-расм).

## Инновацион фаолиятда ноаниқлик омиллари

### Билмаслик

(маълумотларнинг, билимларнинг тўлиқ эмаслиги ва етишмаслиги, тадбиркорлик фаолиятига жорий этилаётган янгиликларни қамраб олган таиққи муҳитнинг таъсиридаги ноаниқликлар)

### Эҳтимоллик

(янги ускуналарнинг ишдан чиқиши, ноу-хау ёки янги технологияларнинг тўхтаб қолиши, инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг кутилмаганда ўзгариши, маҳсулот савдоси билан

### Қарама-қаршилик

(инновацияларга талабнинг мавҳумлиги ва рақобатчиларнинг хатта-ҳаракатлари туфайли юзага келган савдо муаммолари, пудратчи ва буюртмачи ўртасидаги низолар, томонлар ўртасидаги мажбуриятларнинг

1-расм. Инновацион фаолиятда ноаниқликни келтириб чиқарадиган омилларнинг асосий гуруҳлари<sup>165</sup>

<sup>165</sup> Васильева (2005) маълумотлари асосида муаллиф тамонидан тайёрланди.

Инновацион рискларнинг умумлаштирувчи омили – бу тадбиркор ва инвесторларнинг молиявий рискларидир, бунда молиялаштирилаётган лойиҳани тугатилиши сабабларидан қатъи назар, йўқотишлар ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда инновациялар риск феноменини тавсифлашда терминологик изчиллик йўқ, “инновация rischi”, “инновацион фаолият rischi” ва “инновацион риск” каби синоним атамлардан фойдаланилади. 1-жадвалда инновациялар учун рискларни аниқлашга доир ёндашувларни тизимлаштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

## 1-жадвал

Инновация riskини аниқлаштириш бўйича ёндашувлар<sup>166</sup>

Муалифлар	Тарифнинг мазмуни
В.Г.Медынский (1997)	Инновация rischi – бу бозорда талаб қилинмайдиган инновацияларни ишлаб чиқишга маблағларни йўналтирилганлиги натижасида тадбиркор фирма томонидан инвестицияларини йўқотиш эҳтимоли, шунингдек кутилаётган натижани бермайдиган янги бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда юзага келадиган йўқотишлар эҳтимоли
С.А.Филин (2000)	Инновацион риск – бу янги товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга, янги ускуна ва технологияларни ривожлантиришга инвестиция қилишдир ва бу бозорда кутилган талабни топа олмаслик эҳтимоли, шунингдек бошқарув жараёнларига инновацияларни киритишда кутилган самарани бермаслик эҳтимоликлари
В.А.Василенко ва В.Г.Шматько (2003)	Инновацион риск – бу ҳар қандай инновацион жараёнлар, янги маҳсулот, товарларни ишлаб чиқариш ва уларнинг савдо, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятда юзага келадиган рисклардир
С.В.Онишко ва бошқалар (2008)	Инновацион риск – бу ҳар хил, илмий, техник, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик рискларни белгиловчи барча омиларнинг биргаликдаги ҳаракатларининг натижасидир
Т.В.Васильева (2005)	Инновация rischi – бу инновацион фаолиятни амалга оширишга инвестиция киритишга, инноватор томонидан қўйилган мақсадга эришмаслик эҳтимоли билан ифодаланадиган ва венчур лойиҳасини амалга оширишнинг ноаниқлик ёки уни баҳолашнинг субъективлигидан келиб чиқадиган келиб чиқадиган ҳар хил турдаги йўқотишлар rischi
М.В.Корчагина ва К.С.Мухиддинов (2019)	Инновацион риск – асосий мақсади янги маҳсулот яратиш ёки инновацияларни амалга ошириш бўлган корхоналарнинг инновацион (навторлик) фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклари
R.S.Sagdiev (2020)	Инновацион риск – бу инновацион ғояни ишлаб чиқаришдан бошлаб уни бозорда амалга оширилишигача бўлган риск омиларининг ноаниқлиги ва олдиндан айтиб бўлмайдиганлиги натижасида юзага келадиган риск, бошқача айтганда, бу инвестиция қилинган маблағларни йўқотиш эҳтимоли

Рискларни таснифлаш уларни кейинчалик бошқариш учун турли хил рискларни аниқлашга имкон берадиган ўта муҳим услубий воситадир. Юқорида таъкидлангандек, илмий адабиётларда рискларнинг ягона таснифи йўқ. Турли муаллифлар рискларни тизимлаштиришнинг турли усулларини таъкидлайдилар, бу эса ушбу ҳодисанинг кўп қиррали ва мураккаблигидан далолат беради.

Маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрларини умумлаштириш асосида инновацион рисклар қўйидаги турларга ажратилади:

<sup>166</sup> Эмперик адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан умумлаштирилди.

- Инновацион лойиҳани етарли даражада молиялаштирмаслик rischi;
- янги маҳсулотни бозорга чиқишида унинг лозим даражада қўллаб-қувватламаслик билан боғлиқ riskлар;
- малакали ходимларнинг етишмаслиги билан боғлиқ riskлар;
- инновацион лойиҳа фаолиятида ташқи муҳит омиллари, бозор ривожланиш истиқболлари ва рақобатчилар хатти-ҳаракатларини етарлича ҳисобга олмаслик rischi
- инновацион лойиҳани жорий этишда маркетинг riskлари;
- инновацион лойиҳани нотўғри танлаш rischi;
- инновацияларга эгалик ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ ва бошқа riskлар.

Юқоридаги инновацион риск турларини инновацион фаолият билан шуғулланадиган корхона мисолида янада ёрқинроқ тасавурга эга бўлиш учун уларнинг вужудга келиши ва амалий натижаси 2-жадвалда келтирилган

2-жадвал

**Корхонанинг инновацион фаолияти riskларининг таснифи<sup>167</sup>**

Риск категорияси	Риск тури	Риск номи	Риск таъсири
Бевосита riskлар	Инновацион маҳсулот riskлари	Инновацион маҳсулотни нотўғри идентификациялаш туфайли инновацион маҳсулотнинг талабга жавоб бермаслик rischi	Инновацион маҳсулотга талабнинг йўқли ва инновацион даромаднинг пасайиши, қилинган инвестициялар бўйича зарарлар
		Инновацион маҳсулотни сифатсиз амалга ошириш rischi	
		Истеъмолчи ва инновация субъектининг инновацион маҳсулотнинг қийматини баҳолашдаги фарқлар rischi	Инновацион маҳсулот нархининг режалаштирилган нархдан паст бўлиши, инновацион маржанинг пасайиши оқибатида инновацион маҳсулотга қилинган инвестицияларнинг қоплаш муддатининг узайиши
	Инновацион жараёнларнинг riskлари	Инновацион цикл босқичлариинг белгиланган муддатларда бажарилмаслик rischi	Инновацион циклнинг узайиши, маҳсулотнинг бозорда умр кўриш муддати қисқариши ва инновацион даромадларнинг камайиши
		Инновацион циклни молиялаштиришнинг кечикиш rischi	
		Ҳамкорлик rischi (таъминотдаги узилишлар)	Инновацион маҳсулотни бозорга ўз вақтида етказиб бермаслиги, инновацион даромаднинг камайиши
Билвосита riskлар	Инновацион маҳсулот riskлари	Кутилмаган рақобат хавфи	Инновацион маҳсулотга талабнинг ёки нархнинг пасайиши, инновацион маржанинг қисқариши ва маҳсулотга қилинган инвестицияларнинг қоплаш муддатининг узайиши
		Истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятининг пасайиш rischi	
	Инновацион жараёнларнинг riskлари	Инновация субъектларининг молиявий барқарорлик rischi	Инновацион циклнинг узайиши, маҳсулотнинг бозорда умр кўриш муддати қисқариши ва инновацион даромадларнинг камайиши. Ёмон ҳолатда эса инновацион циклларнинг тўхташи, сарф қилинган харажатларнинг йўқотилиши
		Инновацион маҳсулотни бозорга чиқаришга халақит беоадиган қонунчилик ўзгаришлар rischi	Инновацион циклларнинг тўхташи, инновацион даромадларнинг камайиши, сарф қилинган харажатларнинг йўқотилиши

<sup>167</sup> Таҳлиллар натижасида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Рискларни самарали баҳолаш ва бошқаришда, riskли воқеалар оқибатларини камайтириш йўллари топиш учун инновацион рискларни башорат қилинадиган ва башорат қилинмайдиган рисклар гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқдир, яъни юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва юзага келиши кутилмаган рисклар. Инновацион рискларнинг юзага келиши ва оқибатларини бошқариш услубларини ишлаб чиқишда рискларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиган гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Бошқариладиган рисклар лойиҳанинг амалга ошириш сценарийлари ўзгарганда уларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолашни ўзгартиради. Бошқариладиган рисклар гуруҳига шартнома мажбуриятларини бажармаслик rischi, лойиҳа ҳужжатларининг тўлиқмаслиги ва нотўғрилиги rischi, молиялаштиришнинг қисқариши rischi, инновацион лойиҳада илмий фаолият олиб бораётган асосий ходимлар сонининг қисқариши rischi, нотўғри иқтисодий прогноз қилиш riskлари киради.

Бошқарилмайдиган рисклар қоидага тариқасида, лойиҳадан ташқарида жойлашган бўлиб, унинг вуждга келиш манбалари лойиҳалашдан ташқарида бўлади. Масалан, табиий ва иқлим шароитларининг ўзгариш rischi, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий вазият билан боғлиқ рисклар, ташқи иқтисодий ва банк (фоизлар, депозитлар, кредитлар ва ҳ.к) riskлари.

Рискларни гуруҳларга ажратиш бошқариш функцияларини (режалаштириш, ҳисоб, назорат, таҳлил) бошқариладиган риск гуруҳларига йўналтиришга, шунингдек бошқариб бўлмайдиган омилларни бартараф этиш учун ресурсларни самарали ишлатишга имкон беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Корхонанинг инновацион фаолияти юқори даражадаги рискларни ўз ичига олади. Об'ектив равишда ҳар қандай янгиликнинг ортида ноаниқлик, мавҳумлик ва номаълум ҳодисалар, кутилмаган иқтисодий, техник, ташкилий ва бошқа муаммолар ётади. Инновацияларнинг юқори riskлилик даражаси корхоналарни янги ғояларга эҳтиёткорона қарашни, товарлар, хизматлар, технологияларни сезиларсиз жорий этишга, уларни қисман яхшилаш, янгилаш йўлини танлашни афзал кўришади, шу билан бирга улар инновацияларни жорий этишни сунъий равишда секинлаштиришади ва фойда олишни камайтиришади.

Инновацион рисклар нафақат молиявий, балки меҳнат, технологик, ижтимоий, иқтисодий, имиж ва бошқалардан ташкил топиши, ҳамда кўплаб йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, инновацияларда рискларга қарши чоралар билан ўзгартиришни таъминлаш учун инновацион рискларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш зарурдир. Ушбу мақсадга эришиш учун биринчи навбатда рискларни алоҳида турларга ажратиш, уларни аниқлаш ва шунга мувофиқ бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берадиган рискларни тизимлаштириш, гуруҳлаштириш керак бўлади.

Мақолада келтирилган инновацион рискларни гуруҳлаштириш келажакда тадқиқотчиларга рискларни баҳолаш усуллари ўрганиш ва уларни бошқариш тизимини ташкил этишга ёрдам беради.

### **Адабиётлар / Литература / Reference:**

Abdurahmonov, I. (2020) "Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 1, Article 5*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/5>.

Abdurakhmonov PhD, I. (2020). *Impact of insurance services on the development of real sector enterprises. International Finance and Accounting, 2020(6), 7.*

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Regulation of the insurance market and implementation of effective mechanisms of prudential control," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 2, Article 10*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/10>

Abdurakhmonov, I. (2020). *Methods and approaches to evaluating the insurance industry efficiency. International Finance and Accounting, 2020(3), 7.*

Cantillon R. (1952) *Essay sur la nature du commerce en général*. Ed. Alfred Sauvy, Paris: Institut national d'etudes demographiques. Pages 592.

Sagdiev R.S. (2020) *Systematization and insurance of innovative risks. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, Pages 3909-3915.*

Альгин В. (2001) Анализ и оценка риска и неопределенности при принятии инвестиционных решений // *Управление риском*. – №3. – С. 21-29.

Балабанов И.Т. (1996) *Риск-менеджмент: Учебник*. – М.: Финансы и статистика. – 192 с.

Василенко В.А, Шматько В.Г. (2003) *Інноваційний менеджмент: Навчальний посібник*. – К:ЦУЛ, Фенікс. – 440 с.

Васильева Т.А. (2005) *Риск-менеджмент инноваций [Монография.] / Т.А. Васильева, О.Н. Диденко, А.А. Епифанов и др. – Сумы: «Деловые перспективы»*. – 260 с.

Грабовый П.Г. (1994) *Риски в современном бизнесе / П.Г. Грабовый, С.Н. Петрова, С.И. Полтавцев и др. – М.: Аланс, – 200 с.*

Грачева М.В. (2001) *Риск-анализ инвестиционного проекта: Учебник*. – М.: Юнити-Дана. – 351 с.

Егорова Е.Е. (2002) *Еще раз о сущности риска и системном подходе // Управление риском*. – №2. – С.9-12.

Илляшенко С.М. (2004) *Економічний ризик: Навч.посібн. 2-ге вид.,доп.перероб.* – К.: Центр навчальної літератури, – 220 с.

Корчагина М.В., Мухиддинов К.С. (2019) *Риски инновационных проектов. Экономика и экология территориальных образований. Т.3, № 2. С. 52-56.*

Масленчиков Ю.С. (1998) *Системное и ситуационное управление банковской деятельностью // Бизнес и банки*. – №3. – С. 2.

Медынский В.Г. (1997) *Инновационное предпринимательство. Учебн. пособ.* – М.: Инфра-М – 240 с.

Микитюк П.П. (2009) *Інноваційна діяльність. Навч. посібн.* – К.: «Центр учбової літератури». – 391 с.

Онишко С.В. (2008) *Фінансове забезпечення інноваційної діяльності: Навч посібник*. – К.: КНТ. – 55 с.

Серегин Е.В. (1994) *Предпринимательские риски: Учебное пособие*. – М.: Финансовая академия. – 40с.

Стрельцов А. (2000) *Оценка риска при обновлении производственного аппарата // Управление риском*. – №2. – С. 12-14.

Филин С. (2000) *Неопределенность и риск. Место инновационного риска в классификации рисков // Управление риском*. – №4. – С. 25-30.